## Ўзбекистон — Туркманистон:

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро комиссияси самарали механизм вазифасини ўтамоқда. Жорий йил 11-12 ноябрь кунлари Ашхободда унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркманистон ўзаро савдо ва сармоя ҳажмини ошириш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг қўшни мамлакат бозоридаги ўрнини кенгайтириш учун барча имкониятларга эга. Бизнес-форумлар ташкил қилиш, миллий маҳсулот ва хизматлар кўргазмаларини ўтказиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Туркманистон иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари устувор жиҳат саналади. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграциялашган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркманистон, балки учинчи давлатлар учун ҳам қулай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда. 2013 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон ҳудудидан Туркманистонга тегишли 304,9 минг тонна юк ташиб ўтилган бўлса, ушбу давлат ҳудудидан юртимизга қарашли 283,8 минг тонна юк олиб ўтилди. Транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро келишилган тариф сиёсати юритиш икки томон салоҳиятини тўлиқ юзага чиқарибгина қолмай, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг учинчи давлатлар учун жозибадорлигини ҳам оширади.

Ўзбекистон томонининг фикрича, Эроннинг Бандар Аббос ва Туркиянинг Мерсин бандаргоҳлари йўналиши бўйича Туркманистон коммуникацияларининг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини ошириш учун тарифларни оптималлаштириш, қулай преференциялар жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мамлакатларимизнинг Форс кўрфази портларига чиқишини таъминлаш учун Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Ўмон-Қатар халқаро транспорт ва транзит йўлагини барпо этиш тўғрисидаги битимни изчил ва тизимли равишда амалга ошириш зарур.

Мамлакатларимиз халқаро миқёсдаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида катта тажрибага эга. 2009 йилнинг декабрь ойида ишга тушган Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

Музокарада қўшма корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Масалан, Ашхобод шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича Туркманистон — Ўзбекистон қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги амалий қадам бўлган мазкур корхона икки мамлакат бу борада талай имкониятларга эга эканини намоён этади.

Тошкентда Туркманистон, Ашхободда Ўзбекистон миллий кўргазмаларини ташкил қилиш яхши анъанага айланган. Шу билан бирга, савдо-сотиқни ривожлантиришда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида тўлақонли эркин савдо тартибининг йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Туркманистон томони «Навоий», «Жиззах», «Ангрен» иқтисодий зоналари билан таништирилди.

Музокарада агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни тўлиқ амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Бу битим қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш, пахтачилик ва ғаллачилик, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоялаш, селекция, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутади.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистонда ва Туркманистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўриклар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. 2009 йилги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида туркманистонлик хонанда Лале Бегназарова Гран-при соҳиби бўлган эди, 2011 йилдаги фестивалда эса «Галкиниш» ижодий гуруҳи учинчи ўринни эгаллади.

Олий даражадаги учрашувлар доирасида бир неча марта Ўзбекистон ва Туркманистон санъаткорларининг қўшма концертлари ўтказилди. Ўзбекистон — Туркманистон халқларининг дўстлик фестивали деб аталган бу анжуманлар икки мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

2013 йилнинг август ойида Ўзбекистон вакиллари Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган иқтидорли болаларнинг «Аваза — дўстлик ўлкаси» халқаро фестивалида иштирок этди.

Келишувга биноан бундан буён ҳам икки мамлакатда ўтказиладиган фестиваль, концерт, кўрик-танлов ва кўргазмалар, шунингдек, спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намояндаларининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик юксалмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва экспериментал биология институти вакиллари туркманистонлик ҳамкасблари билан Туркманистон шароитига мос келадиган уруғлик чигит ва дон навларини яратиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан вакиллари нефть кимёси соҳасида ҳам қўшма изланишлар олиб бормоқда.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. «Буюк ипак йўли» сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинациялашган саёҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркманистон, Туркманистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Маданий-гуманитар соҳада 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Жиноий йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шунингдек, икки мамлакатнинг кимё саноати ва туризм компаниялари, ахборот агентликлари, товар-хомашё биржалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан позиция ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир карра ўз тасдиғини топгани қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган «Маърифат маркази»ни бориб кўрди. Ушбу мажмуадан ўрин олган Симпозиумлар саройининг кўрку салобати, меъморий ечими, йирик илмий анжуманлар ва халқаро симпозиумлар ўтказиш учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бой ахборот-кутубхона фонди, бу ерга келган ёш йигит-қизларнинг юксак интеллектуал салоҳияти олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# Конституция — хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам асосидир

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.**

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш бўйича ҳам ҳуқуқий асослар яратилган. Масалан, Оила кодексида оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши белгиланган. Меҳнат Кодексининг 6-моддасида эса барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Меҳнат кодексида, шунингдек, ҳомиладор аёлларни енгилроқ ишга ўтказиш, уларга қисқартирилган иш соатлари жорий қилиш, қўшимча таътил бериш каби бир қанча имтиёзлар белгиланган. Аҳамиятли жиҳати, мазкур қоида ва талаблар асосида юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги, оиладаги мавқеи ошиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайиб бораяпти.

Яна бошқа бир қатор қонунларда Конституциямиз қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизлар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Хусусан, солиқ ва иқтисодиётга оид қонунлар такомиллашиб бораётгани солиқлар юкини камайтириш ва бизнес фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўядиган кўплаб янги қонунларнинг яратилиши мазкур соҳаларда фаолият юритаётган хотин-қизларга, ўз ишини бошламоқчи бўлган аёлларга кўмаклашиш ва улар бандлигини таъминлаш бўйича кенг имкониятлар яратиб берди.

Натижада қўлидан иш келадиган, касби, ҳунари бор кўплаб хотин-қизлар оилавий тадбиркорлик ва касаначилик асосида меҳнат қилиб, оила даромадига улуш қўшиб келмоқда.

Юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга мувофиқ, сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатиладиган номзодлар орасида хотин-қизлар 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Бу меъёр Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчи бўлиб бизнинг юртимизда жорий этилди ва шундан кейин бўлиб ўтган сайловлар натижасида мамлакатимиз парламентида аввалги сайловга нисбатан икки ярим баравар кўп хотин-қиз депутат этиб сайланди. Бу хотин-қизларни сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда уларнинг иштирокини фаоллаштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Бугун нафақат ижтимоий соҳалар, балки иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ҳисобланган банк-молия тизими, ишлаб чиқариш жараёнида ҳам хотин-қизлар етакчи куч сифатида меҳнат қилаяпти.

Таъкидлаш жоиз, «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида ҳам аёлларимиз, опа-сингилларимиз меҳнатини енгиллаштириш, ижтимоий-маданий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улар ўз салоҳиятини кенг намоён қилишини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП ташаббуси билан жойларда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кучайтириш билан бир қаторда бандлик даражасини ошириш масалаларида ҳам амалий ишлар олиб борилаяпти.

Хусусан, уйда ўтирган, бола тарбияси билан банд бўлган аёллар, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиянинг «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан барча ҳудудларда «Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳалари доирасида кўплаб тадбирлар ташкил этилаяпти.

Буларнинг барчаси юртимизда аёл зотини эъзозлаш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишнинг ёрқин намунасидир.

**Назира МАТЁҚУБОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Мустақил тараққиётимизнинг ҳуқуқий пойдевори



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Конституция — бахтимиз қомуси

Мазкур тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, экспертлар, тарғиботчилар иштирок этди.

Семинарда Конституция асосида юртимизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорати манфаатини ҳимоялаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг иштирокини янада фаоллаштириш, шу мақсадларда тарғибот ишларини кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги конституциявий ривожланиш, бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар партия ташкилотларининг тарғиботчилар гуруҳлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Бош қомусимиз асосида қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, партиядошларимиз, электоратимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ишларини изчил олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун аввало, тарғиботчиларнинг ўзлари қонунчиликдаги ўзгаришларни чуқур билиши ва уларни ҳаётий мисоллар билан тушунтириб бериши зарур.

**Давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, дастурларида белгиланган мақсад-вазифаларини бажаришлари ва парламентда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият юритиши учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.**

— Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгандан сўнг **«ўзбек модели»** деб ном олган тараққиёт стратегияси муваффақиятли амалга ошириб келинаяпти, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров.** — Иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар билан бир вақтнинг ўзида ижтимоий ҳимоя масалаларига давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида катта эътибор қаратилди. Одамлар фаровон ҳаёт кечириши учун барча чоралар кўрилаяпти. Партиямиз ҳам ўз дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ғоясини илгари сурган.

— Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Конституциямизнинг 10 га яқин моддасида ўз ифодасини топган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев.** — Давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, дастурларида белгиланган мақсад-вазифаларини бажаришлари ва парламентда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият юритиши учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

— Мамлакатимиз ҳаётида ютуқ ва марралар жуда кўп, уларнинг ҳар бири онгу тафаккуримиз, маънавиятимизни юксалтиришда беқиёс ўрин тутмоқда, — деди **сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков.** — Ана шу ютуқларни тарғиб этиш ва шу асосда одамлар, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда, яъни тарғибот-ташвиқот ишларида янгича ёндашувлар, самарали воситаларни қўллаш энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Афсуски, тарғибот ишларимизда ҳаётий, таъсирчан усуллардан фойдаланишга ҳар доим ҳам эътибор қаратмаяпмиз.

Биз кўпинча ён-атрофимизда юз бераётган янгиликларга бепарво қараймиз, мўжизаларни узоқдан кутишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, улар шундоқ кўз ўнгимизда юз бермоқда. Янги замонавий мактаб, лицей ва коллежлар, улардаги сўнгги русумли жиҳозлар, энг муҳими, кўзларида қувонч ва ҳайрат порлаб турган болаларимизнинг ўзи мўъжиза эмасми? Ёки замонавий темирйўл ва автомобиль йўллари, халқимизнинг узоғини яқин қилаётган учқур поездлар, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ва бундай қулайликлар учун шукроналар айтаётган минглаб юртдошларимизнинг қалб кечинмалари мўъжиза эмасми? Биз уларни англаб, қадрлаб яшашимиз лозим. Тарғибот ишларида ҳаётимиздаги бу ўзгаришларни, айниқса, ёшларимизга содда, таъсирчан қилиб тушунтиришимиз зарур.

Семинарда **партия дастурий ғояларини тарғиб этиш ҳамда тарғиботчилар фаолиятини такомиллаштириш масалаларида** барча имкониятлардан самарали фойдаланиш хусусида кўплаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Хусусан, қонунларнинг ижроси устидан изчил жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар ва ютуқлар мазмун-моҳиятини партиядошлар, электорат вакиллари, айниқса, ёшларга тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш бўйича тарғибот гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир якунида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасида олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар мазмун-моҳияти, партия дастурий ғояларини изчил тарғиб этиш, бу жараёнда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Басандабону ЖАЛИЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

O`ZBEKISTON OVOZI
• 2013-yil, 26-noyabr.
Seshanba • 142 (31.732)-son
www.uzbekistonovozi.uz



# Ипотека, таълим ва истеъмол кредитлари

## талаба ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қилмоқда

Миллий матбуот марказида

**Марказий банк томонидан «Ёшларга ипотека, истеъмол ва таълим кредитлари ажратиш ҳамда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

— Республикамиз тижорат банклари томонидан, ёш оилаларга ипотека кредитлари имтиёзли шартлар асосида, яъни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилдан кам бўлмаган муддатга ажратилмоқда, — дейди Марказий банкнинг Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат Қосимов. — Шунингдек, намунавий лойиҳа бўйича қурилган якка тартибдаги уй-жойлар учун бериладиган ипотека кредитларининг фоиз ставкаси эса 7 фоиз этиб белгиланган.

Бундан ташқари, ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган мебель, маиший техника ва бошқа товарлар сотиб олиши учун 3 йилгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида истеъмол кредитлари берилмоқда. Фақат фуқаролик паспортининг нусхаси, иш жойидан иш ҳақи тўғрисида маълумотнома тақдим этилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари миқдорида 3 йилгача истеъмол кредитлари ажратиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Улар Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаслиги керак.

Амалдаги тартибга мувофиқ таълим кредитлари тижорат банклари томонидан бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Бунда кредитлар чин етимларга, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногирони бўлганларга фоизсиз, талабаларнинг қолган тоифаларига Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича ажратилади.

Банк тизимида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида **2008-2012 йиллар давомида ёш оилаларга 643,9 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари, 287,7 миллиард сўм миқдорида истеъмол кредитлари, шунингдек, 103,0 миллиард сўм миқдорида таълим кредитлари ҳамда ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерларга 1,6 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.**

Тадбирда таъкидландики, тижорат банклари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 286,9 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ёш тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларга 150,4 миллиард сўм миқдорида ипотека, 87,8 миллиард сўм миқдорида истеъмол, шунингдек, 47,3 миллиард сўм миқдорида таълим кредитлари берилган. Банклар томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига жорий йилнинг ўн ойи давомида 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 баробар кўп ёки 116,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилган.

Анжуманда, шунингдек, тижорат банкларининг масъул ходимлари томонидан мавзу юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**


# «TASHKENT PROF INVEST» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

**2013 йил 26 декабрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

*Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиали балансидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилади:*

| № | Номи | Манзили | Майдони, кв.м. | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Авангард АТС бино ва иншоотлари | Тошкент вил., Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ. Авангард қўрғони | 296,25 | 92 604 274,0 |
| 2 | Ўзбекистон АТС бино ва иншоотлари | Тошкент вил., Оққўрғон тумани, Ўзбекистон ДФХУ, Навоий қишлоғи | 58,03 | 10 621 702,0 |
| 3 | Оққўрғон АТС бино ва иншоотлари | Тошкент вил., Оққўрғон тумани, Оққўрғон ДФХУ, Марказий бўлими | 84,00 | 20 722 791,0 |
| 4 | Янгийўл 22-сонли АТС бино ва иншоотлари қисми | Тошкент вил., Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Олимжонов кўчаси, 5-уй | 311,88 | 63 753 000,0 |
| 5 | Санганак АТС биноси | Тошкент вил., Паркент тумани, Санганак қишлоғи ҳудудида | 102,04 | 24 234 584,0 |
| 6 | Навдак АТС биноси | Тошкент вил., Паркент тумани, Навдак қишлоғи ҳудудида | 38,12 | 3 480 000,0 |
| 7 | Қорақалпоқ АТС биноси | Тошкент вил., Паркент тумани, Қорақалпоқ қишлоғи | 177,99 | 38 131 000,0 |
| 8 | 5-АТС бинолари қисми | Тошкент вил., Ангрен шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 23-уй | 510,34 | 138 464 592,0 |
| 9 | Карабау АТС биноси | Тошкент вил., Ангрен шаҳри, Карабау қишлоғи | 294,96 | 89 747 410,0 |
| 10 | АТС биноси қисми | Тошкент вил., Бекобод тумани, Меҳнатобод ҚФЙ ҳудудида | 31,20 | 6 898 000,0 |
| 11 | АТС биноси | Тошкент вил., Оҳангарон тумани, Сусам ҚФЙ ҳудудида | 49,00 | 9 116 058,0 |
| 12 | Ғалла-кудуқ АТС биноси | Тошкент вил., Оҳангарон тумани, Ғалла-кудуқ МЎУБО ҳудудида | 55,80 | 13 317 670,0 |
| 13 | Қорахитой АТС биноси | Тошкент вил., Оҳангарон тумани, Қорахитой ҚФЙ | 88,00 | 22 299 589,0 |

Реклама

*Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 17-00да тўхтатилади.*

*Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар Савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Tashkent prof invest» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 5521 8001, ФА: 00425, СТИР: 207 142 288.*

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлов миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Аукцион савдолари соат **15-00да** бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

***Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).***

Мазкур кўчмас мулк объектлари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади.

Ушбу кўчмас мулк объектларини харид қилишга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган манзили ва аукцион савдосини ўтказиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги маълумотларни сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг қуйидаги манзилига бориб ёхуд алоқа воситалари орқали олишлари мумкин.

***Сотувчи*** — «Ўзбектелеком» ОАЖ АК Тошкент филиали.

***Юридик манзили:*** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уй.

***Алоқа телефони:*** 259-70-19.

***Савдо ташкилотчиси*** — «Tashkent prof invest» МЧЖ риэлторлик ташкилоти.

***Юридик манзили:*** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.

***Алоқа телефони:*** 233-20-13.

***Расмий веб сайти:*** TPI.uz

***Лицензия: №RR-0109.***





## Ҳар душанба



### сабзавот-хўрлик

Норвегия армияси қўмондонлиги ҳарбийлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда глобал иқлим ўзгаришларининг олдини олишга ҳисса қўшиш мақсадида мамлакатдаги барча ҳарбий қисмларда, кейинчалик эса хориж контингентларидаги қисмларида ҳар душанбани «вегетариан»лик куни, деб эълон қилишга қарор қилди.

«France-Presse» ахборот агентлиги хабар беришича, душанба куни гўштли овқатдан воз кечилади, фақат сабзавотлару кўкатлардан иборат озиқ-овқатлар тановул қилинади.

Бу билан ҳарбий қўмондонлик бир йилда 150 тонна гўштни иқтисод қиларкан.

Лекин гап гўштни иқтисод қилишда эмас, балки глобал иқлим ўзгаришларининг олдини олишда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё бўйича атмосферага чиқарилаётган парник газларининг 18 фоизи айнан чорвачилик зиммасига тўғри келади. Бу транспорт тизими атмосферага чиқараётган парник газларидан бир неча баравар кўпдир.

Норвегия табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, айни пайтда бир норвегиялик умри давомида 1147 та парранда, 22 та қўй, 6 та мол, 2,6 та буғу гўштини истеъмол қиларкан.

## Бир ҳафтада



### 2 та бўлаги етарли

Қадимдан маълумки, саримсоқпиёз грипп ва шамоллашга қарши энг яхши профилактик восита. Эндиликда хитойлик олимлар ўпка саратонига чалинган 1,5 минг бемор ва 4,5 минг соғлом киши орасида 7 йил давомида кузатув-тадқиқот ишлари олиб бориб, саримсоқпиёзнинг нақадар фойдалилигини яна бир бор кашф этди.

Улар йўғон ичак саратони, ошқозон саратони, простата, кўкрак, жигар ва ўпка саратонларига қарши энг яхши профилактика воситаси эканлигини илмий тасдиқладилар.

Маълум бўлишича, хом саримсоқпиёз жуда фойдали бўлиб, ҳафтасига унинг икки бўлагини доимий истеъмол қилиш ўпка саратонига чалинишни 44 фоизга камайтираркан. Ҳатто кашандаларда ҳам бу ҳолатнинг кузатилгани тадқиқотнинг нақадар самарали ўтганини тасдиқлайди: кашандаларда ўпка саратонига чалиниш соғлом одамларга қараганда 10 — 25 фоиз юқори бўлгани ҳолда саримсоқпиёз истеъмоли бу кўрсаткични 30 фоизга туширар экан.


***Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари, кичик бизнес субъектлари диққатига!***

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ОБЪЕКТЛАР НОМИ:

**1. «Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида жойлашган 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносини мукаммал таъмирлаш».**

***Муддати*** — 01.08.2014 йил.

***Бошланғич нархи:*** 837 732 837 сўм ҚҚСсиз, 1 005 279 405 сўм ҚҚС билан.

**2. «Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида жойлашган 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносини мукаммал реконструкция ишлари».**

***Муддати*** — 10.08.2014 й.

***Бошланғич нархи:*** 758 358 583 сўм ҚҚСсиз, 910 030 300 сўм ҚҚС билан.

**3. «Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Х.Зайниев кўчасидаги 3-сонли спорт мактабига II типдаги спорт мажмуаси қурилиши».**

***Муддати*** — 20.08.2014 йил.

***Бошланғич нархи:*** 1 899 987 083 сўм ҚҚСсиз, 2 279 984 500 сўм ҚҚС билан.

**4. «Фарғона вилояти, Бешариқ туманида 150 қатновли (II тип) 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши».**

***Муддати*** — 20.08.2014 й.

***Бошланғич нархи:*** 2 242 230 544 сўм ҚҚСсиз, 2 690 676 653 сўм ҚҚС билан.

**5. «Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғидаги 17-сон мусиқа мактабини реконструкция ишлари».**

***Муддати*** — 20.08.2014 й.

***Бошланғич нархи:*** 1 501 246 613 сўм ҚҚСсиз, 1 801 495 936 сўм ҚҚС билан.

**6. «Фарғона вилояти , Марғилон шаҳар, Туркистон кўчасидаги 8-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабини мукаммал реконструкция ишлари».**

***Муддати*** — 20.08.2014 й.

***Бошланғич нархи:*** 1 578 511 858 сўм ҚҚСсиз, 1 894 214 230 сўм ҚҚС билан.

**7. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Дўстлик кўчасидаги 2-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция ишлари».**

***Муддати*** — 20.08.2014 й.

***Бошланғич нархи:*** 1 843 229 479 сўм ҚҚСсиз, 2 211 875 375 сўм ҚҚС билан.

**8. «Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчасида 150 қатновли (II тип) 14-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши».**

***Муддати*** — 20.08.2014 йил.

***Бошланғич нархи:*** 2 197 271 482 сўм ҚҚСсиз, 2 636 725 779 сўм ҚҚС билан.

**9. «Фарғона вилояти, Сўх туманида 150 қатновли (II тип) 30-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши».**

***Муддати*** — 20.08.2014 йил.

***Бошланғич нархи:*** 2 211 458 255 сўм ҚҚСсиз, 2 653 749 906 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ-1:

**ЛОТ 1-1. «Фарғона вилояти, Кува тумани, Гулобод МФЙ 58-сон мактаб учун ёрдамчи хоналари билан 24x12 метрли спортзал қурилиши».**

***Бошланғич нархи:*** 336 473 667 сўм ҚҚСсиз, 403 768 400 сўм ҚҚС билан.

**ЛОТ 1-2. «Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Тошҳовуз ҚФЙ 34-сонли мактаб учун ёрдамчи хоналари билан 9x18 метрли спортзал қурилиши».**

***Бошланғич нархи:*** 256 763 333 сўм ҚҚСсиз, 308 116 000 сўм ҚҚС билан.

**ЛОТ 1-3. «Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Полохон ҚФЙ, Милтиқчи қишлоғидаги 31-сонли мактаб учун ёрдамчи хоналари билан 12x24 метрли спортзал қурилиши».**

***Бошланғич нархи:*** 319 032 500 сўм ҚҚСсиз, 382 839 000 сўм ҚҚС билан.

**ЛОТ 1-4. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, А. Чехов кўчасидаги 11-сон мактаб учун ёрдамчи хоналари билан 24x12 метрли спортзал қурилиши».**

***Бошланғич нархи:*** 332 429 833 сўм ҚҚС сиз, 398 915 800 сўм ҚҚС билан.

**ЛОТ 1-5. «Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Варзак ҚФЙ, Бўстонобод қишлоғидаги 35-сон мактаб ҳудудида 9x18 метр ўлчамли спортзал қурилиши».**

***Бошланғич нархи:*** 264 819 416 сўм ҚҚС сиз, 317 783 300 сўм ҚҚС билан.

***Муддати*** — 10.08.2014 йил.

***Буюртмачи:*** «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

***Манзил:*** Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй.

***Телефонлар:*** (8-373) 244–24–33,
(8-595) 400-52-80.

Қурилиш ишлари Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади. 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

***Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:*** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин:

***Фарғона шаҳар, Тем.:рйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (8-373) 244-55-32, 98-276-25-48.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, **Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй**да ўтказилади.



*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари, кичик бизнес субъектлари диққатига!*

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

*танлов савдоси эълон қилади:*

*Объект номи:* **«Фарғона вилояти, Сўх тумани, Хушёр қишлоғида Ижтимоий иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежига 180 ўқувчи ўринли филиал қурилиши (1-босқич).**

*Муддати* — ***1.06.2014 йил.***

*Бошланғич нархи:* **1 465 498 794 сўм ҚҚС билан,**
**1 221 248 995 сўм ҚҚСсиз.**

***Буюртмачи:*** «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

***Манзил:*** Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй.

***Телефонлар:*** (373) 244-24-33, (8595) 400-52-80.

***Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

Давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 998-98-276-25-48.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, ***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй*** манзилида ўтказилади.

# Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчилари

2013 йил — Обод турмуш йили



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу муносабат билан мазкур санъат масканига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ёшлар таклиф этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қуронбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак ижодий-интеллектуал салоҳият соҳиби этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар маънавий-маърифий соҳалардаги янгиланиш жараёнларида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган таълим-тарбия, илм-маърифат, маданият ва санъат масканларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий йўналишларда фаолият кўрсатаётган ҳамюртларимиз меҳнатини рағбатлантиришга оид тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фани, «Маънавият соатлари» жорий этилгани ёшларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги юксак ўзгаришлардан хабардорлигини ошириш, уларни соғлом ва мустақил фикрли шахслар этиб вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат туйғуларини чуқур сингдиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика Байналмилал маданият маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам маънавий-маърифий тарғибот соҳаси мутахассислари фаолиятини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, бу борадаги илғорлар иш тажрибасини оммалаштиришдан иборатдир.

Танлов жараёнида тарғиботчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини иш жараёнига унумли татбиқ эта олиши, кўпчилик, айниқса, ёшлар аудиторияси билан ишлаш маҳорати, уларга ижобий таъсир ўтказа олиш қобилияти, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоялай олишга доир иш услубига асосий эътибор қаратилди.

— Инсон қалби ва онгини забт этишга интилиш тобора кучайиб бораётган бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшларнинг тарбияси, маънавияти, онгу шуури, дунёқараши учун барчамиз масъулмиз, — дейди танлов ғолиби, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги тиббиёт коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сайёра Эгамбердиева. — Бу эса биз, маънавият тарғиботчиларини доимо сезгирлик, ҳушёрлик ва огоҳликни қўлдан бой бермай, фаол иш олиб боришга ундайди.

Тадбирда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг турли йўналишлар бўйича ғолибларига совринлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Аёллар ҳуқуқларини таъминлаш

## *доимий эътиборда*

Тадбир

**Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ушбу мавзуда анжуман ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Бошқаруви аъзолари, қўмита фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ва Республикамиз туман-шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова мазкур тизим фаолиятини янада жонлантириш, унинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриш, дастур ва ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ҳамкорлар ва қуйи тизим раҳбарларининг фаоллигини ошириш борасидаги долзарб вазифаларга батафсил тўхталди.

**Шунингдек, анжуманда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини кўтариш каби масалалар муҳокама қилинди.**

Тадбирда хотин-қизлар масалаларига оид маърузалар тингланди, ҳамкорлик истиқболлари, ижтимоий шериклик тамойиллари, оилаларга кириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш каби мавзуларда фикр алмашувлар бўлди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Таэквондо

**Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида таэквондо (WTF) бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Икки кун давом этган муросасиз беллашувларда аёллар ва эркаклар ўртасида саккизтадан вазн тоифасида кучлилар номи аниқланди.**

## Осиё чемпионати олдидан

— Юртимизда олимпия спорт турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон таэквондо ассоциацияси ижрочи директори Бахтиёр Ҳакимов. — Ушбу спорт тури билан мамлакатимизда бундан ўн йил муқаддам беш-ўн минг йигит-қиз шуғулланган бўлса, ҳозирда уларнинг сафи ўттиз минг нафардан ошиб кетганлиги диққатга сазовор. Мазкур чемпионатда улар орасидан саралаган икки юздан ортиқ спортчи ғолиблик учун майдонга тушди. Қатнашчилар мусобақа дастурига кўра, кёруги (яккама-якка жанг) ҳамда пумсе (кўргазмали чиқиш) йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди.

Мусобақани Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Александр Ким бошчилигидаги мутахассислар диққат билан кузатиб боришди. Бундан кўзланган бош мақсад келаси йили бўладиган халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган таркибни шакллантириш эди.

— 2014 йилда спортчиларимизни ниҳоятда муҳим ва масъулиятли мусобақалар кутиб турибди, — дейди Александр Ким. — Жумладан, 24-27 апрель кунлари пойтахтимиз илк маротаба таэквондо бўйича Осиё чемпионатига мезбонлик қилади. Шунингдек, 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Инчеон (Жанубий Корея)да навбатдаги ёзги Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Мусобақалар якунида ўз вазн тоифасида Нигина Ражабова, Гўзал Нурбобоева, Зарина Қосимова, Феруз Аҳмедов, Абубакир Расулов, Владислав Хан, Никита Рафаэлович, Сарвар Шералиев, Жасур Бойқўзиев, Дмитрий Шокин сингари таэквондочилар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ҳурматли тадбиркорлар ва фермерлар!*

## «TASHKENT PROF INVEST» масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти

*музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдосига таклиф этади:*

Реклама

Оммавий оферта савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ ҳудудидаги «YANGIOBOD HAYDAROV YORQINJON» фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, бошланғич нархи — **12 000 000 (ўн икки миллион) сўм,** умумий майдони **9,9 га** ер участкасида жойлашган, **диаметри 17 см.дан 21 см.гача бўлган 326 туп гилос, 109 туп ўрик, 570 туп олхўри, жами 1005 туп мевали дарахтлардан иборат боғзор** қўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Tashkent prof invest» МЧЖ риэлторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда риэлторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишлари ҳамда ўзларининг акцепт аризаларини топширишлари лозим. Савдо объектини сотиш бўйича музокаралар талабгорларнинг акцепт аризаларидаги таклифлари сотувчининг оммавий оферта савдоси шартларига мос келган тақдирда ўтказилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва унда кўрсатилган тўловларни ўз вақтида, тўлиқ тўлаш мажбуриятлари юклатилади.

Шунингдек, мазкур боғзорни сотиб олган харидор у жойлашган ер майдонига нисбатан узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тузиш учун Тошкент вилояти, Қибрай тумани ҳокимиятига мурожаат қилиши ҳамда ушбу ер майдонидан фақат боғзор сифатида унумли фойдаланиши шарт.

Музокаралар ушбу эълон чиққан кундан бошланади ва юқоридаги боғзор сотилгунга қадар, ҳар куни соат ***15:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хонада*** ўтказилади.

***Мурожаат учун телефон:*** 233-20-13.

*Лицензия № RR-0109.*

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йилда реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан | |
| | ЛОТ 7-6: | | | |
| Лот-1 | Булунғур туманидаги 530 ўқувчи ўринли 11-сон (210 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 742 879 012 сўм | 891 454 814 сўм | 8 ой |
| Лот-2 | Булунғур туманидаги 360 ўқувчи ўринли 35-сон (360 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 695 348 155 сўм | 834 417 786 сўм | 8 ой |
| Лот-3 | Пастдарғом туманидаги 160 ўқувчи ўринли 68-сон (160 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 342 038 318 сўм | 410 445 982 сўм | 7 ой |
| Лот-4 | Пастдарғом туманидаги 120 ўқувчи ўринли 71-сон (120 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 277 022 137 сўм | 332 426 564 сўм | 7 ой |
| Лот-5 | Пастдарғом туманидаги 140 ўқувчи ўринли 113-сон (140 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 348 147 537 сўм | 417 777 044 сўм | 7 ой |
| Лот-6 | Ургут туманидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежини (180 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) реконструкция қилиш | 667 118 902 сўм | 800 542 683 сўм | 8 ой |

**Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи:*** Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

***Манзили:*** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.

***Телефон:*** (8366) 235-82-86.

Президентнинг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 7-6 (Лот-3, Лот-4, Лот-5) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин:

***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.***
***Телефон: 231-13-51,***
***факс. 233-32-00.***

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00да** ўтказилади.

| ОБ-ҲАВО | 26-27 — 11. 2013 |
|---|---|
| Юртимиз бўйлаб (°С) | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | |
| -2 / +3 | +8 / +13 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | |
| +1 / +6 | +11 / +16 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | |
| 0 / +5 | +10 / +15 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | |
| +2 / +7 | +12 / +17 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | |
| -1 / +4 | +8 / +13 |
| Тошкент шаҳри | |
| +3 / +5 | +13 / +15 |

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан 2005 йилда Юнусобод тумани, 6-мавзе, 45-уй, 6-хонадон эгаси Худойқулов Соҳиб Турдиевич номига берилган уй плани ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146
10338 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.35
Topshirilgan vaqti — 00.25

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633